



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 26 МАЙ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 102 (12.663)

Баҳоси эркин нарҳда

ЛАТВИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньш 2014 йил 27-29 май кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф доирасида икки давлат раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама этадилар, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашади-лар.

Музокаралар якунлари бўйича икки давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, Ўзбекистон ва Латвия ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликка оид қатор ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.

2014 йил 27 май кунини Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи бошланади.

ЎЗБЕКИСТОН — ЛАТВИЯ: ҲАМКОРЛИКНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон — Латвия ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро ҳурмат ва манфаатдорликка асосланади. Ҳозирги пайтда бундай муносабатлар изчил ривожланмоқда ва тобора кенгайиб бораётир.

Мавжуд алоқаларни имкониятлардан тўлақонли фойдаланган ҳолда мустақамлаш икки дўст давлат ташқи сиёсатининг устувор қирраларидан бири бўлиб қолди. 1992 йил 3 ноябрь кунини Ўзбекистон ва Латвия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан сўнг 40 дан зиёд давлатлараро шартномалар ҳамда ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Ҳамкорликнинг деярли барча соҳаларини қамраб олган мазкур ҳужжатлар ўзаро шерикликнинг ривожланиши учун асос бўлмоқда.

Томонларнинг самарали ҳамкорлигини кенгайтириш йўлидан боришга бўлган интилишини олий даражадаги мунтазам учрашувлар тасдиқлайди. Президент Андрис Берзиньшнинг мамлакатимизга бўлажак ташрифи Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 2013 йил октябрь ойида Латвияга буюрган давлат ташрифининг мантиқий давоми ҳисобланади.

Шуни қайд этиш жоизки, икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида конструктив ва мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида 1997 йилдан 2014 йилгача бўлган даврда маслаҳатлашувлар тўғрисидаги Протокол 1995 йили имзоланган эди. Шунга асосан, ташқи ишлар вазирликларидан маслаҳатлашувларнинг 13 раунди ўтказилди.

Парламентлараро алоқалар ҳам фаол ривожланаяпти, парламент аъзолари делегацияларининг мунтазам алмашувлари амалга оширилмоқда, икки мамлакатнинг қонун ижодкорлиги фаолияти соҳасидаги тажрибалари ўрганилмоқда ва бир-бирини тўлдирмоқда. 2010 йили Латвия Сеймида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ таъсис этилди. Ўз навбатида, 2012 йили Ўзбекистон парламентида ҳам Латвия Сейми билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ тузилди.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Бу кун азамат йигитлару лобар қизларнинг самимий кулгилари, қалб ҳаяжонлари чексиз. Улар ўқув масканлари, меҳрибон устозлари билан хайрлашиб, мустақил ҳаётга қадам ташлаш арафасида. Эртамиз эгаларига боқиб, уларни учигша шай турган оппоқ кабутарларга қиёслаш мумкин.

Ёшлар —
келажагимиз



ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, АЗИЗ БИТИРУВЧИЛАР!

Шайхонтохур туманидаги 102-сонли умумтаълим мактабида ҳам «Замонавий билимлар билан замонавий касб-хунарга эга бўламиз!» шiori остида «Хайр, мактаб, салом, коллеж!» тадбири ўқувчилар, ота-оналар, ўқитувчилар учун ниҳоятда ҳаяжонга бой, эсда қоларли тарзда ўтказилди.

Байрамонга безатилган умумтаълим мактаби ҳовлисида бошланган тадбирда маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, фахрий ўқитувчилар, ота-оналар иштирок этишди. Унда Ватанимизни, устозларга бўлган эҳтиромни тараннум этувчи шеърлар ўқилди, куй-кўшиқлар ижро этилди.

Барчанинг қалбига ўзгача ҳаяжон солган мазкур байрам тадбирида сўзга чиққанлар мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, таълим тизимидаги ислохотлар, ўқитувчи ва ўқувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар ҳақида

алоҳида тўхталиб, битирувчиларга келгуси ишларида улкан зафарлар тилашди.

— Юртбошимизнинг ёшларга бўлган ишончи, порлоқ келажаклари йўлида яратиб берилаётган имкониятлар уларни яхши ўқиш, бунёдкорлик ишлари сари руҳлантиради, — дейди мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Дилфуза Низомова. — Ёшларимиз ўқиш, илм олиш, спорт ва бошқа соҳаларда дунёга танилмоқда. Туман ва шаҳар миқёсида ўтказилган спорт мусобақалари ва турли кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритган ўқувчи-ёшларимизнинг борлигидан биз устозлар фахрланамиз. 2013/2014 ўқув йилида мактабимизни 204 нафар ўқувчи аъло ва яхши баҳолаб битирди. Ўқувчиларимиздан берилган режа асосида сўровнома олиниб, ўзлари танлаган мутахассислик бўйича касб-хунари коллежлари ва академик лицейларга киришлари аниқланган. Мазкур ўқув йилида мак-

табимизнинг қўлга киритган ютуқлари талайгина. Бундай ютуқларнинг бардавом бўлишини истардим.

Тадбирда йил давомида аъло баҳолаб ўқиган, ўз қобилиятлари, истеъдодлари билан кўплаб кўрик-танлов, билимлар беллашуви, фан олимпиадаси, спорт мусобақаларида муносиб иштирок этган ўқувчиларга мактаб маъмурияти томонидан фахрий ёрлиқлар топширилди. Ўқув йили давомида мактаб ва жамоат ишларида фаол қатнашган, фарзандини яхши тарбиялаган, билим олишига керакли шарт-шароитлар яратиб берганлиги учун ота-оналарга ташаккурнома тақдим этилди. Бундан ташқари оила-маҳалла-мактаб ҳамкорлигида иш олиб борилиши натижасида «Боғқўча» маҳалла фуқаролар йиғини томонидан аъло баҳолаб ўқиган, намунали хулки, жамоат ишларида фаоллик кўрсатган битирувчиларга фахрий ёрлиқлар топширилди.

(Давоми 2-бетда)

XXI саҳоси хасри

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқандда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлини маси ҳамда матбуот ва ахборот бошқармаси ҳамкорлигида «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

• Андижонда вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида «Маслаҳатчи — маҳалла таянчи ва ифтихори» мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилди.

• Гулистонда «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» республика кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

• Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ўрта махсус, касб-хунари таълими бошқармалари, Термиз шаҳар ҳокимлиги ва бошқа корхона ва ташкилотлар ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда саксондан ортиқ корхона ва ташкилот 694 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Тадбирда юз нафарга яқин киши ишга жойлаштириш учун йўлланма олди. Унинг 32 нафари хотин-қиз, ўттизга яқини касб-хунари коллежлари, қирқдан ортиги Термиз давлат университети битирувчиси.

• Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида жойлашган «Лочин» соғломлаштириш оромгоҳида «Камалак» болалар ташкилотининг аънавий XIII анжумани бошланди. «Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун!» шiori остида ўтказилаётган мазкур тадбирда «Камалак» болалар ташкилоти томонидан қўлга киритилган ютуқ ва натижалар, ёшлар ўртасида ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий тарғибот ишларини самарали ва таъсирчан ташкил этиш ҳақида сўз юритилди.

ЖАҲОНДА

• Хитой жанубидаги Фуцзян музофотида 2 мингдан ортиқ қутқарувчилар бедарак йўқолган тайванлик сайёҳларни изламоқдалар. Гап шундаки, 24 нафар сайёҳ ва йўл кўрсатувчини олиб кетаётган йўловчи автобуси даррадан дарёга қулаганидан сўнг ном-нишонсиз йўқолган.

• Чехия Республикаси президенти Милош Земан мамлакатнинг олий мукофоти — Оқ шер орденини Буюк Британиялиқ Николас Уинтонга топширди. Давлат олдидаги буюк хизматлари учун хорижлик фуқаролар тақдирланадиган ушбу орден Уинтонга 1939 йили, Иккинчи жаҳон урушининг бошланишида фашистлар томонидан босиб олинган Чехословакиядан болаларнинг Буюк Британияга оммавий равишда қўчирилишини ташкил этганлиги учун берилди.

• АҚШлик 99 ёшли пенсионер аёл Жесси Уайт коллежни тугаллаганидан сўнг 75 йил ўтгач дипломи бўлди. Қизиги шундаки, Уайт Мэн штати, Бангор шаҳридаги коллежларнинг бирини 1939 йил тугаллаганида махсус йигим пулини тўлай олмаганлиги сабабли дипломи ололмаганди.

ВАТАНИМИЗНИНГ ИШОНЧИ ВА ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан «Юксак маънавиятли ва юқори интеллектуал салоҳиятли ёшлар — келажақ пойдевори» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари А.Қирғизбоев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларнинг тўлақонли таълим-тарбия олиши, ўз қобилияти ва салоҳиятини юзага чиқариши, касб-хунари эгаллаши, меҳнат бандлигини таъминлаш йўлида зарур барча имкониятлар яратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-

да»ги Қарори ёшлар манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг том маънода жамиятимизнинг таянчи ва суянчига айланиши йўлидаги ибратли ишларни давр руҳига монанд йўлга қўйиш имконини бермоқда.

Ушбу ҳужжатда ёшларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини тобора ошириш, шу мақсадда талаба-ёшлар учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий, Олий ва Олий ҳужалик судларида давра суҳбатлари, жонли мулоқотлар, маърифий тадбирлар ўтказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

— Мамлакатимизда ёшларнинг беғубор орзу-мақсадлари юзага чиқиши йўлида мустақам қонунчилик базаси яратилган, — дейди Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Айнура Сапеева. — Навқирон авлод камолоти йўлида яратилган улкан имкониятлар сабаб ўтган вақт мобайнида Ҳиндистон, Польша, Чехия каби мамлакатларда ўтказилган бир қатор бадий кўргазмалар, болалар расмлари биеналеларида иштирок этдим. Биз, ёшларга билдирилаётган юксак ишонч мустақиллигимизни, унинг нёъматларини асраб-авайлашга ундайди.

Талаба-ёшларнинг миллий қонунчилигимизга доир саволларига жавоб қайтарилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Ўшларга оид давлат сиёсати — амалда

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан «2013/2014 ўқув йили якунлари: амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги устувор вазифалар» мавзuida матбуот анжумани ташкил этилди.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ САМАРАДОРЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Тадбирда вазирликнинг масъул ходимлари, устоз ва мураббийлар, ОАВ вакиллари иштирок этди. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда таълим тизимида жами 15729 та таълим муассасаси, жумладан, 9739 та умумтаълим мактаблари, 4950 та мактабгача таълим муассасаси, 298 та мусиқа ва санъат мактаблари, 483 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 27 та Мехрибонлик уйлари, 89 та махсус-мактаб ва мактаб-интернатлар, 211 та «Баркамол авлод» болалар марказлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Умумий ўрта таълим мактабларида 4458162 нафар ўқувчиларга 390105 нафар устоз-мураббийлар фарзандларнинг юрт келажаги учун муносиб авлод бўлишлари йўлида таълим-тарбия беришмоқда.

Анжуман давомида соҳа моддий-техник базасининг мустаҳкамланиши, таълим-тарбия самарадорлигининг таъминланиши, янгиланган чет тилини ўрганиш тизими борасида амалга оширилган ишлар ҳусусида сўз юритилди.

2013-2014 ўқув йилида Инвестиция дастурига кўра, тизимдаги 394 та таълим муассасаларининг ўқув жўзлари, 1920 та мактабнинг қўшимча жиҳозлар, 1485 та мактабнинг компьютер техникалари билан таъминлангани қувонарлидир. Ўқувчиларнинг таълим олишларида янада қўлайлик яратиш борасидаги ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда. Жумладан, 3024 умумтаълим мактаби ва 48 болалар мусиқа ва санъат мактабини 106,2 миллион сўмлик мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, спорт анжуманлари ва мусиқа асбоблари билан таъминлаш кўзда тутилган.

2013-2014 ўқув йилида ўқувчиларни дарслик билан таъминлаш кўрсаткичи 99,3 фоизни ташкил этди. Ўқув йили учун жами 392 номда 22,5 миллион нуска дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этилди ва жойларга етказилди. Жорий ўқув йилида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича билимлар беллашувининг биринчи мактаб босқичида 1,9 миллион нафар, иккинчи тўртинчи босқичида 240 минг нафар, учинчи босқичида 10 мингга яқин ўқувчилар иштирок этгани ўз-ўзидан, уларнинг билим олишига бўлган иштироки ошаётганидан далolat беради. Таълим тизимида фанлар бўйича илгор тажрибалар, педагогик технологияларни ўқувчиларга теъор етказиш учун олий таълим муассасалари профессор-ўқувчилари тўртинчи, шахарлардаги мактабларга бириктирилиб, барча фанлар бўйича «Маҳорат мактаблари» фаолияти йўлга қўйилди.

Анжуманда 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб юртимизнинг барча умумтаълим мактабларининг 1-синфларидан чет тили фанини ўқитиш йўлга қўйилгани, 144 соатлик малака ошириш курси ташкил этилиб, уларда республикамизнинг барча ҳудудларидан саралаб олинган 243 нафар чет тили тренер ўқитувчилар тайёрланиб, улар ёрдамида жами 25310 нафар чет тили ўқитувчилари малака оширишга айланди.

Матбуот анжуманида соҳа вакиллари томонидан республика бўйича амалга ошириладиган ишлар ва келгусидаги режалар ҳақида маълумотлар берилди. Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Зарина РУСТАМОВА



ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, АЗИЗ БИТИРУВЧИЛАР!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тумандаги 27-мактабгача таълим муассасаси жажж тарбияланувчиларининг бадий гимнастика бўйича чиқишлари, «Қизларжон» рақси, 102-мактаб ўқувчилари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, рақслар тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

— Қадрдон мактабимиз билан хайрлашаётган барча тенгдошларим каби менинг қалбимни ҳам чуқур ҳаяжон чулғаб олган, — дейди 9-синф битирувчиси Бахтиёр Муродов. — Ушбу масканда таълим берган барча устозларимга, жумладан синф раҳбарим Дилором Фаниева, тарих фани ўқитувчиси Дилором Раҳматжоноваларга катта миннатдорчилик билдирмоқчиман. Мактабда олган билимларим натижасида тарих фанидан ўтказилган олимпиаданинг туман босқичида биринчи ўринни эгалладим, шахар босқичида

да эса кучли ўнналикка кирдим. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтохур академик лицейига ўқишга кириш ниятидаман. Келажакда малакали мутахассис бўлиб етишиб, устозларимнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Битирувчилар ўз дил истакларини биринчи устозларига, фан ўқитувчиларига, мактаб маъмуриятига ўзбек, рус, инглиз тилларида изҳор этишди ва уларга гулдасталар тақдим этишди.

Республикамизнинг, шу жумладан шахримизнинг барча умумтаълим мактабларида айнан шу шиор остида ўқув йили якунига бағишланган тадбирлар кўтаринки руҳда ташкил этилди.

Оқ йўл сизга, азиз битирувчилар!

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

ТАФАККУР СИНОВЛАРИ

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида

«Тафаккур синовлари» танловининг ҳудудий босқичи ўтказилди.

Унда Тошкент автомобиль йўллар, Тошкент Давлат шарқшунослик, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ва Тошкент Тиббиёт академияси жамоалари иштирок этди.

— Мазкур танлов мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятни, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ёшларни аниқлаш борасида ташкил қилинди, — дейди Тошкент Темир йўл муҳандислари институтининг Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Сарвар Саилов. — Шунингдек, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вожа етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш ҳамда талабаларнинг Ўзбекистоннинг энг янги тарихи даврида сиёсий ва ҳуқуқ соҳаларидаги ўзгаришлар ва эришилган ютуқлар бўйича билим ва кўникмаларини шакллантириш, уларга ўз иқтидорларини намойиш этиш учун имконият яратиш ва рағбатлантириш танловининг асосий мақсадидир.

Танловнинг биринчи шартида иштирокчи жамоалар ўзлари тахсил олаётган олий таълим муассасида яратилган шароитлар,

илмий ва малакавий изланишлар учун мавжуд имкониятлар, сўнгги йилларда юртимизда суд-ҳуқуқ ва ижтимоий-сиёсий тизимда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунириб беришлари, баркамол авлоднинг тарбиялаш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган тақлифларни кўргазмалар тарзда кўрсатишлари лозим эди.

Иккинчи шарт жамоалар ўртасида тезкор савол-жавоблар тарзида бўлиб ўтди. Учунчи шарт «Саҳнада тафаккур синови» деб номланди. Унда иштирокчилар Ўзбекистоннинг янги тарихи даврида эришилган ютуқлари акс этган ижтимоий роликларини намойиш этдилар.

Учинчи шартда жамоалар ролик асосида тасвирлаган ижодий ишларини изохладилар. Тўртинчи шарт «Муаммо ва ечим» деб номланди.

Танловда иштирокчи жамоалар бадий чиқишлар ва саҳнавий кўринишларини

тайёрлашда, ўзига, ҳосили, миллийлик, мазмундорликка, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ва улар моҳиятини оддий ва халқчил тарзда очиб беришга, кийинчи маданиятни, воқеа-ҳодисаларни маҳорат билан ижро этиш каби мезонларга алоҳида аҳамият қаратдилар.

Қизқарли ва сермазмун ўтган танловда биринчи ўринга Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг «Катарсис» жамоаси сазовор бўлди. Тошкент Автомобиль йўллар институтининг «Таракқиёт» жамоаси иккинчи, Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг «Шарқ нури» жамоаси эса учинчи ўринни эгалладилар.

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг «Катарсис» жамоаси кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси ва «Фаол» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида «Ёшларнинг оила қуриш кўникмаларини ошириш ва улар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиш чораларини кўриш» мавзuida анжуман бўлиб ўтди.

ЁШЛАРНИ ОИЛАГА ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА

Унда, вазирликлар, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг мутасадди ходимлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда соғлом она ва соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айлانганлиги, бу борада жаҳон миқёсида ҳам ибрат олмаётган ишлар изчил йўлга қўйлаётганини таъкидлаб ўтишди.

— Ёшларнинг оила қуриш кўникмаларини ошириш ва улар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиш чораларини кўриш лойиҳаси доирасида қатор тадбирлар уюштирилмоқда, — дейди «Фаол» нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари Нигора Ғофурова. — Жумладан, ёшлар ўртасида эрта никоҳ қуришнинг олдини олиш чо-

раларини кўриш доирасида 500 дан зиёд касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари, ўрта махсус таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, психологлар ва тиббиёт ҳамширалари иштирокида, «Эрта никоҳнинг олдини олиш ва унинг оқибатлари» мавзусида давра суҳбатлари ва семинар-тренинглари уюштирилади. Ушбу тадбирлар доирасида юқоридаги муаммоларнинг ечимини топиш бўйича тақлиф ва мулоҳазалар ҳам ишлаб чиқилди.

Шунингдек, 100 дан зиёд фуқаролар йиғинларининг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича мақсатли таълим ҳамкорлигида ҳам ушбу муаммо юзасидан тадбирлар, учрашувлар ўтказиш, ҳар бир оилага кириб бориш ва жамоатчиликнинг эътибори-

ни жалб этишга эришилди. 450 нафар ота-оналар билан мазкур масала юзасидан суҳбатлар ўтказилди ҳамда эрта никоҳнинг олдини олишда ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш, унинг салбий оқибатлари юзасидан ҳам ёшлар билан мулоқотлар ва учрашувлар мунтазам равишда уюштирилди. Асосий мақсад ёшларнинг саломатликларини асраш, эрта никоҳнинг салбий асоратларидан уларни ҳимоя қилиш, маънавий дунёни ва онгу тафаккурини янада ривожлантиришдан иборатдир.

Тадбирда, эрта никоҳнинг олдини олишга йўналтирилган видео-ролик, ижтимоий рекламалар ҳамда наشريёт тақлифлари кўрсатишга оид тақлифлар ўртага ташланди.

Ўтказилаётган тадбирлар натижасида ёшлар билан ишлайдиган давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги кучайтирилди ва эрта никоҳнинг олдини олиш бўйича иштирокчилар ёрдамида тавсиялар ишлаб чиқилди.

Гулнор САТТОРОВА

ЎЗБЕКИСТОН — ЛАТВИЯ: ҲАМКОРЛИКНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2002 йили имзоланган Терроризм, диний экстремизм, наркотиқлар ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа кўринишлари билан курашда ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматларо Битимга мувофиқ, бу соҳадаги ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Латвия Қўшма комиссияси тасвир этилган. Унинг иккинчи мажлиси 26 — 30 май кунлари Тошкентда бўлиб ўтди.

Латвия Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида Ўзбекистоннинг энг йирик савдо шериклари учлигида киради. 2013 йил якунларига кўра, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 248,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон Латвияга юқори сифатли пахта таласи, қайта ишланган нефть маҳсулотлари, мева-сабзавотлар, дори-дармон препаратлари, минерал ўғитлар, рангли металл ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилади. Латвия, ўз навбатида, юртимизга тўқимачилик, электротехника, машинасозлик тармоқлари учун асбоб-ускуналар, озиқ-овқат, фармацевтика маҳсулотлари, оптика ускуналари етказиб беради ҳамда транспорт хизматларини кўрсатади.

Икки мамлакатнинг сармоявий ҳамкорлиги изчил мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда Латвия сармояси иштирокидаги 22 корхона фаолият юритаётган. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Латвиянинг 19 компанияси ваколатхонаси аккредитациядан ўтган.

Транспорт соҳаси Ўзбекистон — Латвия ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан бири саналади. Мамлакатларимиз олдида асосий минтақадаги транспорт йўналишлари рақобатбардорлигини ошириш, бунинг учун мавжуд транзит салоҳиятидан юқори даражада фойдаланиш вазифаси турибди. Шу ўринда қайд этиш зарурки, ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг ташқи савдо юқлари Латвия портлари орқали Европа Иттифоқи мамлакатларига етказиб берилмоқда, халқаро темир йўл юқлари ташқи ҳажми эса 2013 йили 146 минг тоннадан ошди.

2014 йилнинг 16 — 17 апрель кунлари Ригада ўтказилган Иқтисодий, саноат ва илмий техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссия йиғилиши ҳамда ишбилармон доираларнинг қўшма бизнес-форуми Ўзбекистон — Латвия шериклик алоқаларининг янада мустаҳкамланишида муҳим воқеа бўлди. Мазкур анжуманлар якуни иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаол ҳамкорлик учун салмоқли салоҳият ва имкониятлар мавжуд эканлигини яна бир қарра намойиш қилди.

Маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Ўзбек халқи, унинг бой илмий, маданий ва маънавий меросига ҳурмат рамзи сифатида Ригада буюк бобоқалонларимиз Мирзо Улуғбек ҳамда Абу Али Ибн Сино ҳайкаллари қад-ростлаган. Мунтазам равишда бадий кўргазмалар ва суратлар кўргазмалари ўтказилмоқда, концертлар ташкил этилаётган, икки мамлакат фольклор жамоалари эса Ўзбекистон ҳамда Латвияда ўтказилаётган турли маданий тадбирларнинг доимий иштирокчисидир. Жумладан, 2013 йили «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалида Латвиянинг «Диана Пирагс ва Шоколад» ҳамда «Талси» мусиқа гуруҳлари муваффақиятли қатнашди. Латвия миллий операси ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри ўртасида йўлга қўйилган ижодий ҳамкорлик қўламли ҳам тобора кенгайиб бормоқда.

Таълим соҳасидаги алоқаларни йўлга қўйишда ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Латвия таълим ва илм-фан вазирлиги ўртасида имзоланган Таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим доирасида 2012 йилнинг 13 ноябрида бўлиб ўтган Доимий икки томонлама комиссиянинг биринчи йиғилиши ушбу жабадаги алоқаларнинг жадал ривожланиётгани ва тобора теранлашиб бораётганига мисол бўла олади.

Хулоса тариқасида шуни қайд этиш зарурки, Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг Ўзбекистон Республикасига буюражак расмий ташрифи муҳим воқеа бўлиши баробарида мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги серкйрра муносабатлар тараққиётида ҳам янги саҳифа очилди.

«Жаҳон» АА

«Камолот» лойиҳалари БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

Сергели тиббиёт касб-хунар коллежидан туман ҳокими Фурқат Мақсудхўжаев иштирокида «Ҳоким ва ёшлар» учрашуви ўтказилди.

Унда коллежнинг 250 нафардан ортиқ ўқувчилари ҳамда «Камолот» ЕИХ туман кенгаши фаоллари иштирок этишди.

Тадбир ўзаро очик мулоқот, савол-жавоблар тарзида кечди. Суҳбат давомида туман ҳокими мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбияси, спорт ва жисмоний машғулотлар билан шуғулланишлари учун замонавий шарт-шароитлар, барча қўлайликлар яратилганини таъкидлади. Шунингдек, бугунги кунда давр муаммосига айлانган оддам савдоси, унинг инсон, давлат ва жамият ҳаётига салбий таъсири ҳусусида алоҳида тўхталиб ўтди. Зеро, мўмай пул топиш мақсадида, катта маблаг эвазига алданиб, чет элларга кетаётганларнинг умри заволликка юз тутди.

Тадбирда туман ҳокими ўринбосари Бахтиёр Шомуратов, «Камолот» ЕИХ туман Кенгаши раиси Азизхўжа Болтаҳўжаевлар ҳам сўзга чиқиб, юрт келажаги бўлган ёшларнинг эришаётган ютуқларини эътироф этишди.

«Камолот» ЕИХ туман кенгаши бош мутахассиси Шўҳрат Каримовнинг таъкидлашича, бундай учрашувлар тумандаги бошқа муассасалар, ўқув масканларида ҳам ташкил этиб келинмоқда. Жумладан, жорий йилнинг февраль ойида туман ҳокимлигида, март ойида Тошкент молия ва иқтисодиёт касб-хунар коллежиди, апрель ойида Тошкент Давлат юридик университети қошидаги академик лицейда «Ҳоким ва ёшлар» учрашуви бўлиб ўтди.

Жонли, қизгин ва мазмунли суҳбат тарзида ўтган тадбирда ўқувчи-ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ



ЮРТИМИЗ БОЛАЛАРНИГОҲИДА

Ўзбекистон Бадий академиясининг Икю Хирояма Халқаро маданият карвон саройида «Соғлом бола йили»га бағишланган, Республика ичтисослаштирилган санъат мактаб-интернатлари ўқувчиларининг ижодий ишларидан ташкил толган «Ўзбекистон болаларнигоҳида» танлов-кўргазмаси очилди.

Ушбу танловда 1-4 синф ўқувчиларининг «Устоз-шогирд» тизимида тайёрланган рангтасвир, графика, қўйма йўналишлари бўйича 140 га яқин ижодий ишлари қўйилган. Уларда биз бошланғич синфлар услубчиси Саодат Мўминова ҳамда бошқа устозларнинг сабоқлари натижаларини, ўқувчиларнинг яшаб турган оламга, юртига, турмуш тарзинигоҳи нигоҳини, орзу-ўйларини кўра-миз.

Улар орасида «Алла», «Наврўз», «Тўйга», «Қўшнимизга ош», «Менинг дўстим», «Онамага совға», «Сумалак» каби қатор ижод намуналари мухлислар ва мутахассисларда илқ таассурот қолдирди. Танловда фаоллиги ҳамда энг яхши ижодий ишлари учун қатор мактаб ўқувчилари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Хасан АБДУНАЗАРОВ
СУРАТДА: кўргазма-танловдан лавҳа

Инсон ўз ҳаёти давомида турли муаммолар, айрим ноҳақликларга дуч келади ва шу боис ҳам ҳуқуқларига путур етказилган барча ҳолларда ана шу ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишига эҳтиёж сезади.

Ўринли савол туғилади, инсон ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қаерга ва қандай тартибда мурожаат этиши керак?

Ҳуқуқий давлатда инсон ҳуқуқларига риоя этилишини кафолатловчи кўпгина синалган усуллар мавжуд бўлади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бунда алоҳида эътибор фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва уларни ҳал этиш фаолиятига қаратилган бўлиб, бу борада тегишли зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (43-модда) ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Юртимизда ушбу конституциявий асос негизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ишончли тизими яратилган бўлиб, ушбу тизим бу ҳуқуқларнинг рўёбга чиқарилиши устидан давлат ва жамоат назоратини амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда мазкур тизим қуйидаги давлат органлари, ташкилот ва тизимларини ўз ичига олади:

- одил судловни амалга оширувчи суд органлари;
- қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширувчи ҳамда инсон ва фуқаролар эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи прокуратура органлари;
- ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва фуқаролар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятларни бажарувчи маҳаллий ҳокимият идоралари, ички ишлар ва бошқа давлат ҳокимияти органлари;
- фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари ҳимоясида юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар уюшмалари;
- ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар ва касба уюшмалари, фуқаролик институтлари ва жамоат ташкилотлари.

Инсоннинг юқорида қайд этилган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш мақсадида 1994 йилнинг 6 майида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун 8 йилдан ортқ вақт давомида амалда бўлиб, унинг нормалари амалиётда синондан ўтди. Унга амал қилиш мобайнида тўлпалар таърибда ҳамда инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик базасининг янада такомиллашуви ушбу қонунга ҳам қатор қўшимча ва ўзгаришлар киритишни таъминлади. Шу тариқа, 2002 йилнинг 13 декабрида ушбу қонун янги таҳрирда қабул қилинди ва ҳозирги кунда фуқаролар мурожаатларининг ҳал қилинишининг ҳуқуқий асосларини белгилаб бевурич асосий норматив ҳужжатлардан бири бўлиб келмоқда.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунда фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, чет эл фуқароларининг давлат органлари ва муассасаларига ариза, шикоят ва тақлифлар билан мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланган бўлиб, мазкур қонун билан фуқароларнинг давлат органларига, ташкилот ва муассасаларга мурожаатлари борасидаги муносабатлар тартибга солинади.

Фуқаролар ҳар қандай давлат органларига ариза, тақлиф ва шикоятлар кўринишида мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Ариза – бу фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаатидир.

Тақлиф деганда, фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларини ўз ичига олган мурожаати тушунилади.

Шикоят эса, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаатидир.

Қонунда давлат органларига мурожаатларнинг озгача ёки ёзма равишда берилиши мумкинлиги белгиланган. Фуқароларнинг озгача ва ёзма мурожаатлари бир хил аҳамият ва кучга эга ҳисобланади. Мурожаатлар яққа тартибда ёки жамоа томонидан ҳам берилиши мумкин. Масалан, корхона ва ташкилотларнинг ишчи ва хизматчилари бир бўлиб ёки маҳалла фуқаролари томонидан жамоа тартибда мурожаат қилиниши мумкин. Мурожаат жамоадаги ишчи ва хизматчилар ёки улар номидан мурожаат қилишга ҳақли бўлган ваколатли шахс томонидан имзоланади.

Фуқаролар мурожаатларининг мазмун-моҳиятига нисбатан қандай талаблар қўйилади?

Мурожаатларда фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар қўйилган бўлиб, ариза, тақлиф ёки шикоятнинг моҳияти аниқ баён этилган бўлиши керак. Ёзма мурожаатларда мурожаат этувчининг имзоси бўлиши шарт. Мурожаатга шахсий имзо қўйиш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаатлар уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳам ёзиб қўйилади.

Фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган бўлса, шунингдек имзо қўйилмаган бўлса, бу каби ёзма мурожаатлар аноним деб ҳисобланади ва улар қабул қилинмайди.

Фуқароларнинг давлат органларига газета, журнал, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали келиб тушган мурожаатлари ҳам «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган тартибда ва муддатларда қабул қилинади.

Мазкур қонунда давлат органларида фуқароларни қабул қилишни ташкил этиш қоидалари ҳам бел-

гиланган. Фуқароларни қабул қилиш давлат органининг раҳбари ёки бошқа мансабдор шахс томонидан амалга оширилади. Давлат органларида фуқароларни қабул қилиш тартиби мазкур органлар раҳбарлари томонидан белгиланади. Бунинг учун давлат органларида алоҳида бўлинмалар тузилиши ва фуқароларни қабул қилиш учун масъул мансабдор шахслар белгилаб қўйилиши ҳам мумкин.

Қабул фуқаролар учун қулай вақтда белгиланган кун ва соатларда ўтказилади. Ишлаб чиқилган қабул жадваллари, яъни қабул кунлари ва соатлари ҳақида маълумотлар фуқаролар эътиборига етказилади. Мазкур жадваллар давлат органлари жойлашган биноларнинг фуқароларга кўринарли жойларига осиб қўйилади.

Фуқаро озгача равишда мурожаат этаётганида, ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатиши керак.

Фуқарони қабул қилиш қай ҳолларда рад этилиши мумкин?

Бу саволга ҳам жавоб шу қонунда берилган. Унга кўра, агар фуқаронинг бир неча бор қилган мурожаати асоссиз, қонунга хилоф ҳусусиятда бўлса ёки унинг мурожаати бўйича қарор қабул қилиб бўлинган бўлса, фуқарони қабул қилиш рад этилиши мумкин. Қонунда мурожаати рад этилган фуқарога унинг сабаблари ҳақида очиқ ва равшан тушунтириш берилган бўлиши талаб этилади.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига асосан, фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Ҳеч ким бирор-бир мурожаатда баён этилган фикр ва мулоҳазаларни ҳимоя этишга ёки унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Бундан ташқари, қонун талабига асосан, фуқаролар мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда уларнинг жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб камситиш тақиқланади.

ҲУҚУҚ, БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун давлат органларига мурожаат қилиш тартиби

Фуқароларнинг мурожаатлари албатта қабул қилиниши ва қабул қилиниши керак, аноним мурожаатлар бундан мустасно.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқаро мурожаатини қабул қилиш ва қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги устидан бўйсинув тартибда юқори турувчи органга, прокуратура ёки бевосита судга шикоят беришга ҳақли.

Фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва манфаатлари Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонун билан мустаҳкамланган. Жумладан, мазкур қонуннинг 1-моддасига асосан, ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисоблаган, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Қандай ҳолатларда фуқаро мансабдор шахснинг ҳатти-ҳаракатлари юзасидан судга шикоят беришга ҳақли?

Фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзини бошқариш органлари ва мансабдор шахсларнинг судга шикоят қилишга лойиқ коллегиал ёки яққа тартибдаги ҳатти-ҳаракатлари (қарорлари) бўйича судга шикоят беришга ҳақлидир.

Ушбу ҳатти-ҳаракатлар моҳияти қонуннинг 2-моддасида белгилаб берилган бўлиб, улар жумласига:

- фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи ҳатти-ҳаракатлар;
- фуқаронинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришга монелик туғдирувчи ҳаракатлар;
- фуқаро зиммасига қонунга хилоф равишда қандайдир мажбурият юклатилишига сабаб бўлган ҳатти-ҳаракатлар (қарорлар) қиради.

Қонунга мувофиқ, судлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки эркинликларини бузадиган, баён этилган бу каби ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан берилган шикоятларни қабул қилишга мажбурдирлар. Ушбу қоидадан:

- текширилиши қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мутлақ ваколатлари доирасига киритилган ҳатти-ҳаракатлар (қарорлар);
- қонун ҳужжатларида устидан судга шикоят қилишнинг ўзгача тартиби белгиланган ҳатти-ҳаракатлар (қарорлар) мустасно этилган.

Шунингдек, фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан шикоят билан бевосита тобелик тартибда юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Тобелик тартибда юқори турувчи орган ва (ёки) мансабдор шахслар шикоятни бир ойлик муддатда қабул қилиши шарт. Агар фуқаронинг шикоятини қаноатлантириш рад қилинган бўлса ёки у шикоят берган кундан бошлаб бир ой мобайнида жавоб олмаган бўлса, бу шахсда судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқи юзга келади.

Шикоятни ҳуқуқлари, эркинликлари бузилган фуқаро ёки унинг вакили, шунингдек фуқаронинг илтимосига кўра жамоат бирлашмасининг, меҳнат жамоасининг ваколат берилган вакили ҳам бериши мумкин.

Шикоят фуқаронинг хоҳишига қараб ёки у яшайдиган жойдаги судга ёки орган жойлашган ердаги ёхуд ҳатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахснинг иш жойидаги судга берилади.

Ҳарбий хизматчи ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган ҳарбий бошқарув органлари ва ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан ҳарбий судга, шунингдек, юқори турувчи мансабдор шахсларга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

Мурожаатларни қабул қилишда фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек, давлат сири ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ҳисобланган маълумотлар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини камситадиган ахборотларни ошкор этилиши тақиқланади.

Мурожаатга тааллуқли бўлмаган фуқаронинг шахсига доир маълумотларни ҳам суриштириб билишга йўл қўйилмайди.

Фуқаронинг илтимосига биноан, унинг шахсига доир бошқа маълумотлар ҳам ошкор этилмаслиги керак. Бу борада мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги қонунчиликда белгилаб қўйилган.

Фуқароларнинг ариза, тақлиф ва шикоятлари уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига қирадиган давлат органига бевосита ёки бўйсинув тартибда юқори турувчи органга берилади.

Фуқаро мурожаатни шахсан беришга, шунингдек бу борадаги ваколатни ўз вакилига ўтказишга ёки мурожаатини алоқа воситалари орқали юборишга ҳақли. Вояга етмаганлар ҳамда муомалага лаёқатсиз шахслар манфаатларини кўзлаб ариза, тақлиф ва шикоят уларнинг вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

Бўйсинув тартибда юқори турувчи органга ариза ёки шикоят фуқарога унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёки қарорлар қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йил ичида берилиши мумкин. Узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддат ариза ёки шикоятни қабул қилишчи давлат органи томонидан тикланади.

Мурожаатларни қабул қилиш учун бошқа давлат органларига асоссиз равишда бериш ёки қарори ёхуд ҳаракати устидан шикоят қилинаётган давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўзига жўнаштиш ман этилади.

Алоҳида ҳолларда, мурожаат этган шахснинг ўзи ёки бошқа шахс йўқлигида мурожаатни қабул қилишнинг имкони бўлмаса, давлат органининг мансабдор шахси уларни қабул қилиши мумкин.

Фуқароларнинг мурожаатлари бўйича қабул қилинган қарорларни давлат органининг раҳбари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахси имзолайди.

Агар ариза, тақлиф ёки шикоятда баён қилинган масалалар ҳал этилаётганда, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текшириш зарурати юзга келса, бу иш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Энди, давлат органлари томонидан мурожаатлар қайси муддатларда ҳал қилинишига тўхталиб ўтсак. Бу қоидалар ҳам қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилган.

Мурожаатларни қабул қилиш муддатлари Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасида кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, фуқароларнинг тақлифлари давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида қабул қилинади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган ҳолатлар бундан мустасно ва бу ҳақда мурожаат этган шахсга ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади.

Ариза ёки шикоятлар ҳам масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмай-диган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай қабул қилиниши тартиби ўрнатилган.

Амалдаги қонунчиликда айрим тоифадаги мурожаатларни қабул қилишнинг ўзгача муддатлари ҳам жорий этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал (514-модда), Фуқаролик процессуал (350-модда) ва Ҳўжалик процессуал (192-модда) кодексларида суд қарорларига нисбатан протест келтириш ҳақидаги мурожаатлар бир ойлик муддатда, иш талаб қилинадиган ва текшириладиган ҳолларда икки ойгача бўлган муддатда қабул қилиниши белгиланган.

Текшириш жараёнида ариза муаллифи томонидан айнан бир масала юзасидан берилган мурожаат аввалги мурожаат билан биргаликда қабул қилинади ва натижаси бўйича муаллифга ягона жавоб хати берилади.

Мурожаат муаллифлари давлат органлари томонидан қабул қилинаётганда мурожаатни қабул қилиш жараёни ҳақида ахборот олиш, уларда келтирилган ваҳаларини шахсан баён этиш ва изоҳлар бериш, мурожаатни текшириш материаллари ҳамда натижалари билан танишиш, қўшимча материаллар тақдим этиш ёки уларни бошқа органлардан сўраб олиш тўғрисида илтимос қилиш, адвокат ёки вакил хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Мурожаатни қабул қилишчи давлат органларининг мансабдор шахслари эса фуқароларга уларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш қилиш имкониятини таъминлашлари шарт.

Фуқаронинг мурожаатини қабул қилган давлат органининг унга мурожаатни қабул қилиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарор ҳақида

ёзма шаклда хабар қилишга мажбуриги ҳам қонунда белгиланб қўйилган.

Ариза ёки шикоят юзасидан қарор қабул қилган давлат органининг мансабдор шахси, агар фуқаро қарорга рози бўлмаса, унга қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш тартибини тушунтиради.

Фуқаронинг мурожаатини қабул қилган давлат органи, унинг мансабдор шахси мурожаатни қабул қилиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарор ижросини назорат қилиши, агар фуқарога унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши натижасида зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилишга доир чора-тадбирлар қабул қилиш керак.

Фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилишни ва қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш, қабул қилиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, қонунга зид қарор қабул қилиш, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини ҳамда шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор бажарилишини таъминламаганлиги, фуқарога унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш ёки фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, фуқарони мурожаат қилганлиги учун таъқиб қилиш, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача таразда бузиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ушбу жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддаси ва Жиноят кодексининг 144-моддасида қайд этилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 43-моддасига асосан, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун суд қарорига биноан, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача жазо солишга сабаб бўлади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 144-моддасига асосан, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жазога ёки икки йилгача ахлоқ туза-тиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ жазоси белгиланган.

Фуқаронинг давлат органига, корхона, муассаса, ташкилот ёки жамоат бирлашмасига мурожаат қилганлиги ёки мурожаатда баён этилган танқид учун мансабдор шахс томонидан таъқиб қилиш энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш баравари-дан эллик бараваригача миқдорда жазога ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ туза-тиш ишлари ёхуд олти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фуқаронинг аризаси ёки шикояти қаноатлантирилган тақдирда, ана шу мурожаат бўйича қонунга хилоф қарор қабул қилган давлат органи ариза ёки шикоят бериш ва уни қабул қилиш муносабати билан фуқарога етказилган зарарнинг ўрнини, тегишли давлат органининг талаби билан ариза ёки шикоятни қабул қилиш учун жойларга бориш муносабати билан сарф қилинган ҳаражатларни қоплади ҳамда ана шу вақт ичида йўқотилган иш ҳақини тўлайди.

Ўзига алоҳида эътибор қаратадиган яна бир ҳолат, бу қонунда фуқароларнинг мурожаат ҳуқуқидан фойдаланишлари бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги кераклиги қатъий белгиланганлигидир.

Шу сабабли ҳам, агар фуқаро тўхмат ва ҳақоратдан иборат ариза, тақлиф ёки шикоят берса, у қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Шу ўринда, туғилиши табиий бўлган, шахар давлат ҳокимияти, бошқарув ва назорат текширув идоралари томонидан фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш, уларни қабул қилиш ва ҳал қилишга оид қонунчилик талабларининг ижросига бўлган муносабат қандай деган саволга жавоб бермоқчимиз.

Надоматлар бўлсинки, давлат идоралари масъул ходимларнинг барчаси томонидан ҳам ушбу масаланинг ечимига етарли масъулият ва жавобгарлик ҳисси билан ёндашилмаяпти.

Жойларда фуқароларни қабул қилишдан тортиб, уларнинг мурожаатларини қабул қилишга бўлган жараёнда расмийлик, сансалорлик, баъзан эса қўпол қонунбузилишларга тўлиқ барҳам берилмаяпти.

Биргина ўтган 2013 йил ва жорий йилнинг 4 ойи мобайнида шахар прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» ги Қонуни ижросини текшириш давомида аниқланган қонунбузарликлар бўйича 236 нафар мансабдор шахслар интизомий, 62 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган, 4 та ҳолатда эса жиноят ишлари қўзғатилган.

Таъкидлаш жоизки, бундай текширувлар прокуратура органларига бевосита фуқаролардан келиб тушган аризалар юзасидан ўтказилган.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамшаҳарларимизни жойларда уларни ариза ва шикоятларни қабул қилиш ва қабул қилиш жараёнида уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг поймол қилинишига йўл қўйлаётган ҳар бир ҳолат юзасидан прокуратура органларига мурожаат қилишга чақира-миз. Айнан шу мақсадларда барча туман прокуратуралари ва шахар прокуратурасида фуқароларнинг узлуқсиз қабули йўлга қўйилган.

Фақатгина 2014 йилнинг ўтган вақти мобайнида шахар прокуратураси органлари томонидан 6,2 мингта яқин фуқароларнинг қабул қилинганлиги ушбу фикримизнинг яққол далилидир. Бу даврда 4 мингдан ортқ мурожаатлар ҳал қилинган бўлиб, уларнинг 628 таси қаноатлантирилган.

Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, юртимизда фуқароларнинг барча ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш учун зарур ҳуқуқий асослар мавжуд. Буларнинг замирида инсон ва унинг ҳаётини юксак билиш ҳамда қадрлаш тамойиллари ётади.

Бу борадаги олдимиздаги долзарб вазифа – бу ҳар бир фуқарони қонунларда белгиланб қўйилган ўз ҳақ-ҳуқуқларини ва шу билан бирга, бурчларини ҳам яхши билишига ва уларга оғишмай амал қилинишига эришишдир.

Мирзохид ОБИДОВ,
Тошкент шахар прокурори

